



**QARAQALPAQSTAN RESPUBLIKASÍ JASLAR SIYASATÍ HÁM SPORT MINISTRLOGI
BUYRÍGÍ**

21 «iyul» 2023 jil.

601-A/F-san

Nókis qalası

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг 2023 йил 7 июльдаги “Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги тизимидаги айрим давлат спорт-таълим муассасаларини босқичма-босқич қисман ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш бўйича чора-тадбирларни белгилаш тўғрисида”ги 01/888-A/F-сон буйруғининг ижросини таъминлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг 2023 йил 7 июльдаги “Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги тизимидаги айрим давлат спорт-таълим муассасаларини босқичма-босқич қисман ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш бўйича чора-тадбирларни белгилаш тўғрисида”ги 01/888-A/F-сон буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг 2023 йил 7 июльдаги “Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги тизимидаги айрим давлат спорт-таълим муассасаларини босқичма-босқич қисман ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш бўйича чора-тадбирларни белгилаш тўғрисида”ги 01/888-A/F-сон буйруғи ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг мазкур буйруғи билан:

а) Тажриба-синов тариқасида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги Сув спорт турларига ихтисослаштирилган спорт мактаблари ҳамда Сув спорти турлари бўйича Республика олий спорт маҳорати мактаби (бундан буён матнда спорт мактаблари деб юритилади) жорий йилнинг 1 октябридан бошлаб қисман ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказилганлиги;

Бунда, спорт мактабларидаги сузиш ҳавзаларини давлат-хусусий шериклик шартлари асосида хусусий секторга берилиши назарда тутилганлиги;

б) Қорақалпоғистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ёшлар сиёсати ва спорт бошқармаларига:

- икки ҳафта муддатда намуна асосида биттадан давлат-хусусий шериклик шартлари асосида хусусий тадбиркорларга ажратиладиган спорт мактабларининг сузиш ҳавзаларини аниқлаш;

- аниқланган сузиш ҳавзаларини бир ой муддатда хусусий тадбиркорларни жалб қилган ҳолда улар билан лойиҳа концепцияси ва лойиҳа баҳолаш ҳужжатларини ишлаб чиқиб, Маркетинг, аутсорсинг ва давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш бўлимига тақдим этиш вазифалари юклатилганлиги;

в) Маркетинг, аутсорсинг ва давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш бўлими (Ф.Баймурадов)га:

- тақлифлар асосида тақдим этилган лойиҳа концепцияси ва лойиҳа баҳолаш ҳужжатларини кўриб чиқиб, ёшлар сиёсати ва спорт соҳасида давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини кўриб чиқиш бўйича ишчи гуруҳига (бундан кейин матнда ишчи гуруҳ деб юритилади) киритиш;

- ишчи гуруҳ томонидан давлат-хусусий шериклик лойиҳаси маъқулланган тақдирда вазирлик раҳбариятига тасдиқлашга киритиш;

- тасдиқланган лойиҳаларни бошқа талабгорларга давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг амалга оширилишидан манфаатдорлиги тўғрисида маълум қилиш тақлифини вазирликнинг расмий веб-сайтида ва ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтида эълон қилиш чораларини кўриш;

- давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепцияси эълон қилинган пайдан эътиборан қирқ беш календарь кун ичида бирор-бир якка тартибдаги тадбиркор ёки юридик шахс давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга оширишдан ўзининг манфаатдорлигини маълум қилмаса, хусусий ташаббускор билан музокараларни ўтказиш, давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим лойиҳасини ваколатли давлат органи билан келишиш ва хусусий ташаббускор билан давлат-хусусий шериклик тўғрисида битим тузиш вазифалари юклатилганлиги;

- Бунда, спорт мактабларидаги сузиш ҳавзаларини давлат-хусусий шериклик шартлари асосида хусусий секторга беришнинг энг асосий шартлари сифатида ушбу объектларда хизмат кўрсатиш кўлами ва сифатини ошириш, бюджет маблағларини тежаш, коррупция ва суистеъмолчилик ҳолатларини минималлаштиришга эришиш белгиланганлиги;

г) Қорақалпоғистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ёшлар сиёсати ва спорт бошқармаларига ўзини ўзи молиялаштириш тизимида ўтказилаётган спорт мактабларида:

- хизмат кўрсатиш кўлами (камрови) ва сифатини мунтазам ошириб бориш ва уни назорат қилиш;

- энергия ва ресурсларни тежайдиган технологияларни босқичма-босқич жорий этиш;

- босқичма-босқич бюджетдан маблағ олишни асосли ҳисоб-китобларга мувофиқ камайтириб бориш;

- тегишли йўналишлар бўйича спортчилар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш вазифалари юклатилганлиги;

д) Ички аудит ва назорат бошқармаси (Д.Ходжаев) Молия-иқтисод бўлими (Д.Убайдуллаев) билан биргаликда ўзини ўзи молиялаштириш тизимида ўтказилаётган спорт мактабларида бюджетдан маблағ ажратилишини асосли ҳисоб-китобларга мувофиқ босқичма-босқич камайтириб борилишини ҳар чорак якуни бўйича таҳлил қилсин ва назорат қилиб бориш вазифалари юклатилган.

3. Республика Сув спорт турларига ихтисослаштирилган спорт мактаб директори (Т.Найзабаев)га:

- Сув спорт турларига ихтисослаштирилган спорт мактаби **жорий йилнинг 1 октябридан** бошлаб қисман ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказилганлиги;

- Бунда, спорт мактабларидаги сузиш ҳавзаларини давлат-хусусий шериклик шартлари асосида хусусий секторга берилиши назарда тутиш;

- хизмат кўрсатиш кўлами (қамрови) ва сифатини мунтазам ошириб бориш ва уни назорат қилиш;

- энергия ва ресурсларни тежайдиган технологияларни босқичма-босқич жорий этиш;

- босқичма-босқич бюджетдан маблағ олишни асосли ҳисоб-китобларга мувофиқ камайтириб бориш;

- тегишли йўналишлар бўйича спортчилар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш вазифалари юклатилсин.

4. Хўжалик ишлари бўйича иш юритувчи (**Ф.Хожанов**)га:

- **икки ҳафта** муддатда намуна асосида биттадан давлат-хусусий шериклик шартлари асосида хусусий тадбиркорларга ажратиладиган спорт мактабларининг сузиш ҳавзаларини аниқлаш;

- аниқланган сузиш ҳавзаларини **бир ой муддатда** хусусий тадбиркорларни жалб қилган ҳолда улар билан лойиҳа концепцияси ва лойиҳа баҳолаш ҳужжатларини ишлаб чиқиб, Маркетинг, аутсорсинг ва давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш бўлимига тақдим этиш вазифалари юклатилсин.

5. Марказлаштирилган бухгалтерия хизмати шўъбаси бошлиғи (З.Уразимбетова)га:

ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказилаётган спорт мактабида бюджетдан маблағ ажратилишини асосли ҳисоб-китобларга мувофиқ босқичма-босқич камайтириб борилишини ҳар чорак якуни бўйича таҳлил қилсин ва назорат қилиб бориш вазифалари юклатилсин.

6. Ахборот-таҳлил ва ижро интизоми шўъбаси етакчи мутахассиси (Б.Толибоев)га:

Мазкур буйруқ билан Қорақалпоғистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг тегишли бўлимлари ва Республика Сув спорт турларига ихтисослаштирилган спорт мактабига юбориш вазифаси юклатилсин.

7. Ушбу буйруқ ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Вазир



А.Алланазаров